

UDK: 632.7.9;635.758.2.

ТЎҚСОНБОСТИ УСУЛДА ЕКИЛГАН УКРОП (ANETHUM) ЎСИМЛИГИДА ТРИПС ЗАРАРКУНАНДАСИНИНГ ТАРҚАЛИШИ

Хўжаев Мансур Мустафо ўғли, Халимов Рахматилло Раимович, Қурбонова
Гуллола Ражабовна, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси ИТИ Сурхондарё
минтақавий филиали лаборанти.

Abstract: This article describes the results of scientific research on the distribution and numerical density of the thrips pest in the dill plant planted in 2024 in the conditions of Surkhandarya region.

Key words: Dill, pest, thrips, shingles, Surkhandarya.

Кириш: Қишлоқ хўжалигида ердан унумли фойдаланиб, бир йилда икки марта хосил етиштириш, экинларни қисқа муддатли алмашлаб экиш, тўқсонбости экинларида зарарли доминант зараркунандаларни илмий асосда ўрганиш долзарб ва илмий-амалий аҳамиятга эга вазифалардан биридир.

Тажриба манзили: Мониторинг ишлари Сурхондарё вилояти Термиз тумани “Намуна” ҳудудида укроп экилган дала майдонларида олиб борилди.

Укроп ўсимлигининг барг тузилиши мураккаб ва ўзига хос бўлиб, бошқа ўсимликлар баргидан яхлитсизлиги билан ажралиб туради. Барг пластинкаси 3-4 тилимли, чўзинчоқ- ипсимон ёки туксимон шаклда бўлади. Ушбу мураккаблик укроп баргида трипс зичлигини ўрганишда айрим ноқулайликларни вужудга келтиради. Ўсимлик шохлари учки қисмида барглار тўплами шингил кўринишида шаклланади. Укроп баргларидаги трипс зараркунандаининг зичлигини ҳисоблашда шингиллардан намуналар ўрганилди (1-жадвал).

Тадқиқотлар ўсимликларнинг трипс билан зарарланиш даражаси ва ҳар бир шингил баргларидаги трипс зичлигини ўрганиш тартибида олиб борилди.

1-жадвал

Укропда трипснинг тарқалиши ва зичлиги (Термиз тумани, “Намуна” ҳудуди)

	№	К	Hisobot davri: 10-12 sentyabr 2024 yil
--	---	---	--

Ukrop ekilgan joy manzili.		namunalar	O'rganilgan o'simlik soni, dona	Zararlangan o'simlik soni, dona	O'simlik larning zararlani sh darajasi	O'rganilgan shinngil barglar soni, dona	1 shingil barglar dagi o'rtacha trips soni, dona
Surxondaryo viloyati, Termiz tumani, “Namuna” hududi Ibrohim fermer xo'jaligi	8,0	1	10	3	30	10	3,2
		2	10	2	20	10	2,4
		3	10	4	40	10	4,3
		4	10	3	30	10	1,8
		5	10	0	0	10	0
		6	10	3	30	10	2,2
		7	10	0	0	10	0
		8	10	3	30	10	3,1
		9	10	2	20	10	2,6
		10	10	0	0	10	1,9

Ўрганишлар натижасида трипсинг укроп майдонида ялпи ва кенг кўламда тарқалмаганлиги қайд етилди. Бунда намуналар кесимида таҳлил қилинганда укроп ўсимлигининг зарарланиш даражаси 0 дан токи 40 фоизни, ўртача 30 фоизни ташкил етди. Битта шингил барглардаги ўртача трипс сони намуналар кесимида 0 дан - 4,3 донa бўлганлиги аниқланди.

Хулоса: Тўқсонбости экин сифатида экилган укроп ўсимлигида сентябр ойида трипс зараркунандасининг зичлиги кам меъёردa тарқалиши, лекин, зарарланиш даражаси юқори бўлиши кузатилди. Бу эса уларга қарши кураш тадбирларини тўғри ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Хўжаев М.М. Укропда учрайдиган зараркунандаларини мониторинг ва башорат қилиш асосида қарши кураш усуллари ишлаб чиқиш. - Термиз- Маг. Дис 2023.
2. Хўжаев М.М., Жўраев.Б.Х., Умархонов.У.М. Укроп ўсимлигида учрайдиган зараркунандалар ва уларнинг биологияси. “Агро кимё химоя ва ўсимликлар карантини” журнал, махсус сони (5). 2024. – Б. 182-183

3. Хўжаев М.М., Сатторов А.Б. Сурхондарё вилояти шароитида укропда учрайдиган зараркундалар тур таркиби - Лалмикор Дехқончилик илмий-тадқиқот институтининг 110 йиллигига бағ'ишланган "Лалмикор дехқончиликнинг аҳамияти, илмий асослари ва уни ривожлантиришнинг инновацион агротехнологиялари" мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция – Жиззах, 2023. – Б. 359 - 361